

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ  
ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ГУЛЯМОВА ГУЛЧЕХРА ШУХРАТОВНА**

**АТОПИК ДЕРМАТИТГА ТАШҲИС ҚЎЙИШ, УНИ ДАВОЛАШ ВА  
ПРОФИЛАКТИК УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ (КЛИНИК, ГЕНЕТИК ВА  
ИММУНОЛОГИК ТЕКШИРУВЛАР)**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

УЎК:616-053.2+616.5+616.97+616056.3+616:612.017.1

**Фан доктори диссертацияси(DSc) автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of Science (DSc)**

**Гулямова Гулчехра Шухратовна**

Атопик дерматитни диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини  
ишлаб чиқиш (клиник, генетик ва иммунологик текширувлар).....5

**Гулямова Гулчехра Шухратовна**

Разработка методов диагностики, лечения и профилактики атопического  
дерматита (клинические, генетические и иммунологические исследования).....27

**Gulyamova Gulchechra Shuhratovna**

Development of methods of diagnosis, treatment and prevention of atopic dermatitis (clinical,  
genetic and immunological studies).....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....54

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ  
ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ГУЛЯМОВА ГУЛЧЕХРА ШУХРАТОВНА**

**АТОПИК ДЕРМАТИТГА ТАШҲИС ҚЎЙИШ, УНИ ДАВОЛАШ ВА  
ПРОФИЛАКТИК УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ (КЛИНИК, ГЕНЕТИК ВА  
ИММУНОЛОГИК ТЕКШИРУВЛАР)**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib77 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим тармоғининг [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мавлянова Шахноза Закировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Арифов Саидкасим Саидазимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Маннанов Абдушукур Маликович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Гельдиева Маргарита Сабировна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй.Тел/факс:+99871 262–33-14, e-mail:[mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 Тел/факс:(+998 71)262–33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К. Н. Хаитов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.И.Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (докторлик (DSc)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда атопик дерматит (АД) касаллигини самарали ташхислаш ва даволашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Атопик дерматитнинг жаҳонда кенг тарқалганлиги, ушбу патологиянинг йил сайин ошиб бориши, эрта болаликдан бошланиши ва аксарият ҳолларда инсонга бутун умри давомида ҳамроҳлик қилиши глобал тиббий-ижтимоий муаммодир. Марказий Осиё республикалари учун атопик дерматит муаммоси катта аҳамиятга эга, чунки бошқа «шарқ ва Европа давлатлари билан бир қаторда касаллик аҳолининг тахминан 6,8% дан 18,7% гача бўлган қисмида учрайди...»<sup>1</sup> Турли давлатларда аҳоли орасида касалланиш даражаси одатда камида 5-10%ни ташкил қилади, индустриал ривожланган давлатларда эса ушбу кўрсаткич 20% гача етади. Бугунги кунда атопик дерматит касаллигига ташхис қўйиш, уни даволаш ва профилактик усуллари ишлаб чиқиш ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда атопик дерматитни ташхислаш, мақбул даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштириш мақсадида бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада атопик дерматитни ривожланиши билан ассоциацияланган генетик маркерларни ўрганиш, аллергия касалликларга мойилликни вужудга келишида ксенобиотиклар молекулалари ва яллиғланиш реакцияларининг эндоген медиаторлари (нейропептидлар, лейкотреинлар, аутоантитаначалар ва цитокинлар) экскрециясини енгиллаштирувчи глутатион S-трансфераза GSTM1 ва GSTT1 генлари полиморфизми, биотрансформациянинг иккинчи фазаси ферментларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Атопик дерматитда организмнинг эндоген захарланишини ҳисобга олган ҳолда клиник шакллари ривожланишида иммуногенетик механизмини ўрганиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Атопик дерматит билан касалланган беморларни клиник, генетик, иммунологик ва биокимёвий текширишларга асосланиб, касалликни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш усуллари ишлаб чиқишни такомиллаштириш долзарб илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ҳизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини эпидемиологик ҳолатни баҳолаш бўйича жаҳон стандартларга мослаштириш, ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда “...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини, сифат ва самарадорлигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усуллари яратиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва касалликларнинг профилактикаси бўйича самарали диспансеризация моделини яратиш...” вазифалари белгиланган<sup>2</sup>. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш

<sup>1</sup> <http://www.who.int/meiacentre>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110 “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамида муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни

сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, турли ёшдаги беморларда атопик дерматитни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш усуллари ишлаб чиқишни такомиллаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамида муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Аҳолининг соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг: VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Атопик дерматитни ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: National Skin Centre, Singapore, Dept. of Dermatology (Сингапур); Temple University School of Medicine, Department of Dermatology, Philadelphia (АҚШ); Skin Research Center, Shahid Beheshti University of Medical Sciences., Dermatology, Tehran (Эрон); Faculty of Medicine- Fayoum University Egypt, Dermatology (Миср); Institute of Dermatology, Bangkok (Тайланд); Diskapi Education and Research Hospital, Dermatology, Ankara (Туркия); University of Athens, Dermatology, Athens (Греция); Cairo University, Dermatology, Cairo (Миср); Russian National Research Medical University (Россия); Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда атопик дерматитни ташхислаш, мақбул даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: сурункали аллергия яллиғланиши шаклланишида яллиғланишолди цитокинлари ва хемокинларни ишлаб чиқарилиши, атопик касалликлар ривожланиши патогенезининг муҳим бўғини эканлиги исботланган (Skin Research Center, Shahid Beheshti University of Medical Sciences., Dermatology, Tehran (Эрон); IL-4 ва IL-4, IL-5, IL-6, IL-10, IL-13, IL-18,

---

сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.adelaide.edu.au](http://www.adelaide.edu.au), [www.unimarconi.it](http://www.unimarconi.it), [www.cumedicine](http://www.cumedicine), [www.queensu.ca](http://www.queensu.ca), [www.u-bordeaux.fr](http://www.u-bordeaux.fr), [www.browardhealth.org](http://www.browardhealth.org), [www.uc.edu](http://www.uc.edu), [www.ucss.edu.pe](http://www.ucss.edu.pe), [www.dermatology.uz](http://www.dermatology.uz) сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

TNF- $\alpha$ , TGF- $\beta$ 1 ларга нисбатан рецепторлар аҳамияти исботланган (University School of Medicine, Department of Dermatology, Philadelphia (АҚШ); атопик касалликларни шаклланишида ирсий мойилликнинг аҳамияти тўғрисидаги касалликнинг инбред ва панмикс шароитида шаклланиши тўғрисида рад этиб бўлмайдиган далиллар аниқланган (National Skin Centre, Singapore, Dept. of Dermatology (Сингапур); атопияга генетик мойиллик мавжудлиги тўғрисида аниқ ирсий омиллар кўпроқ аҳамиятга эга эканлиги аниқланган (Institute of Dermatology, Bangkok (Тайланд)).

Дунёда атопик дерматитни ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини илмий асослаш бўйича, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: иммуногенезни бошқаришнинг генетик механизмларини аниқлаш; оксил маҳсулотлари функцияси мазкур касалликнинг ривожланишини таъминловчи атопик дерматит билан боғлиқ кўпгина аниқ генлар-номзодларни аниқлаш; цитокинлар генлари ва уларнинг рецепторлари,  $\alpha$ -ўсма некрози омили гени, хемокинлар генлари, экзотоксинлар оиласи – RANTES, CCS1, CCL24, CCL26 га кирувчи генлар, ксенобиотиклар биотрансформацияси ферментлари генлари – GSTM, GSTT, CYP1A1, CYP2C9, CYP2C19, NAT2, Fc $\gamma$ RI семиз хужайраларнинг юқори аффинли рецепторлари генини аниқлаш; атопик дерматит касаллигига ташхис қўйиш, уни даволаш ва профилактик усулларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларнинг 25%гача аҳолиси турли оғирлик даражасидаги атопик дерматит билан касалланган. Атопик дерматитнинг патогенези асосида иммун тизимининг атроф муҳитдан кам концентрацияда тушадиган патоген бўлмаган оксилларга нисбатан ўта юқори фаоллиги ётади. Касалликнинг патогенезида генетик мойиллик аниқ намоён бўлади (Свиршевская Е.В. ва б., 2017). Атопик дерматитнинг ривожланиш патогенезида иммун бузилишларга катта эътибор берилади (Садикова Т.Е. ва б., 2013, Короткий Н.Г. ва б., 2016). АДга чалинган беморлар организми иммунологик текширилганда иммунитетнинг ҳам хужайрали, ҳам гуморал (Ларькова И.А. ва б., 2014), шунингдек, иммун тизимининг цитокинли бўғинларида номутаносиблик аниқланган бўлсада (Сормолотова И.Н. 2014, Endo Y, et al. 2015), АДнинг клиник-патогенетик турларини шаклланишида специфик (IgE-воситасида) ва носпецифик механизмларнинг роли ўрганилган (Короткий Н.Г. ва б., 2016, Tsakok T. et al. 2018) бироқ, ушбу бузилишлар сабаби ханузгача номаълум бўлиб қолмоқда.

ИЛ-4 В-лимфоцитларнинг асосий ўсиш омили ҳисобланади. Ушбу интерлейкин учун рекомбинант шаклда ДНК ажратиб олинган ва у клонланган (Tsakok T., Woolf R., Smith C.H. et al., 2018). Deichmann K. et al. (1997) маълумотларига кўра, аллергия касалликларнинг этиологияси ва патогенезида яллиғланишни қўлловчи ва уларни индукциясига жавобгар интерлейкинларга (IL) турдош молекулалар гуруҳларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда В-лимфоцитларни иммуноглобулин Е ишлаб чиқаришга йўналтирувчи ИЛ-4 яллиғланишнинг етакчи иштирокчиси ҳисобланади. Heratizadeh A. (2016) атопиянинг ривожланишида ИЛ-4 рецептори генининг Arg551 аллели ролини

аниқлаган. Вавилин В.А. ва ҳаммуаллифлар (2002) томонидан касаллик кечишининг клиник хусусиятлари GSTM1 ва GSTT1 генларининг полиморфизмига боғлиқ эканлиги топилган. Огородова Л.М. ва ҳаммуаллифлар (2015) атопик дерматитга чалинган беморларда IL-5 нинг 703 C/T генини 703C-аллели билан ассоциацияланиши ва 703CC/551RR-генотиплари билан кўшилиши ушбу беморларда бронхиал астма ривожланишининг юқори хавфи мавжуд эканлигини аниқлаганлар. Россия олимлари томонидан IL-4 нинг 589C/T гени полиморфизмини атопик бронхиал астма ва иммуноглобулин E миқдори билан ассоциацияси аниқланган (Фрейдин М.Б. ва б., 2015).

Ўзбекистон олимлари томонидан АДни клиник кечишини терининг микробиотини морфофизиологик тавсифи (Мавлянова Ш.З., Есионова Е.В. 2014), асаб тизимининг ҳолатини бузилиши (Шодиев Х.К. ва б., 2008), ошқозон-ичак найининг овқат ҳазм қилиш-сўриш фаолиятини бузилиши (Юлдашев М.А., 2007) билан тушунтиришга уринишлар тўлиқ бўлмай, қарама-қаршиликларга эга, ушбу бузилишларни тўғрилашга йўналтирилган даволаш усуллари эса кам самарали бўлган. Республикадаги соғлом донорлар ва аллергия ринит (АР)га чалинган беморларда TNF-альфа генининг 308G>A полиморфизмини молекуляр-генетик текширувлари ўтказилган (Алиева В.Ш. ва б., 2012). Бунда TNF-альфа генининг 308G>A полиморфизми соғлом шхслар орасида 11,4%ни, назорат гуруҳида эса 7,1%ни ташкил қилган. Бироқ, назорат гуруҳи ва АР шакллари хисобга олган ҳолда ажратиб олинган гуруҳости беморлари ўртасидаги қийсий таҳлилда ушбу маркерни АРни интермитацияланувчи шакли билан ассоциацияси мавжудлиги ҳақида гувоҳлик берувчи натижалар олинган. Атопик дерматитни ривожланишидаги генетик омилларнинг роли тиббий генетиканинг бошқа текширув усуллари ёрдамида ҳам ўрганилган (Маннанов А.М., 2000), тўқима антигенларига нисбатан антиген боғловчи лимфоцитларни аниқлаш усули ёрдамида патологик жараёнга ички аъзоларнинг жалб этилиши, касалликда кўп аъзоларнинг шикастланиши аниқланган (Юлдашев М.А., 2007), тажрибада туғилгандан сўнг ингичка ичак, унинг иммун тизимини структур-функционал жиҳатдан етилмаганлиги, эндоген ва патоген ичак микрофлораси вакиллариининг иммуногенлик ва морфогенлик хусусиятлари турлича эканлиги қайд этилган (Юлдашев А.Ю., 2007). Уларнинг ҳар бири ўзининг афзаллиги ва камчилигига, қўлланиш чегарасига эга. Агар генеалогик усул ҳамма вақт ҳам касалликнинг ирсий тавсифи тўғрисида маълум бир хулосага келишни таъминламаса, у ҳолда эгизаклик материали атопик дерматитни генотип ёки фенотипга боғлиқлик даражаси тўғрисидаги масалани ҳал қилиш имконини беради. Аммо, Ўзбекистонда атопик дерматитнинг ривожланишини молекуляр-генетик механизмлари ўрганилмаган.

Шуни айтиш жоизки, предиктив тиббиётга кирувчи бундай тадқиқотлар клиник маълумотларни тўлдириши мумкин ва беморларни асосланган ҳолда аллергия касалликларнинг хавф гуруҳига киритиш учун фойдали бўлади, бу дори воситаларини қўллаш билан боғлиқ бўлган узок муддатли бирламчи профилактика стратегисида ўта муҳимдир. Шу муносабат билан, АДнинг ривожланиши ва клиник кечиши хусусиятларини организмнинг иммунгенетик кўрсаткичлари нуқтаи-назаридан ўрганиш касалликнинг оғирлик даражасини

аниқлаш, уни патогенетик даволаш ва олдини олишга қаратилган янги иммунологик ташҳисот усуллари ишлаб чиқиши таъминайди деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази илмий текшириш ишлари режасига мувофиқ №АТСС 20.1 “Атопик дерматитда организмнинг иммуно-биокимёвий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, касалликнинг авж олишини олдини олиш, оғирлик даражасини ташҳислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш” (2012-2014), №ПЗ-20170922154 «Аллергодерматозлар маҳаллий терапиясида Ўзбекистоннинг табиий хом ашёлари асосида тайёрланган янги дори воситаларини ишлаб чиқиш» (2018-2020) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** организмни иммунопатогенетик кўрсаткичларини аниқлаш асосида атопик дерматитнинг иммунодиагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аҳолининг турли ёшдаги қатлаламларида атопик дерматитнинг тарқалиши ва клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

атопик дерматитга чалинган беморларда касалликнинг клиник шаклини ҳисобга олган ҳолда ўсма некрози омили- $\alpha$  (ЎНО- $\alpha$ ) ва глутатион S-трансфераза (GSTM1 ва GSTT1) генларининг аллел вариантларини аниқланиш ҳолатини баҳолаш;

яллиғланишолди цитокинлари (ЎНО- $\alpha$ ) ва ксенобиотиклар ферментлари (GSTM1 ва GSTT1)ни кодловчи генлар полиморфизмлари ассоциациясини ҳисобга олган ҳолда атопик дерматитнинг шаклланиши ва клиник кечиши иммун-генетик механизмларини аниқлаш;

атопик дерматитнинг оғир шакллари ривожланишида ҳужайра реакциясининг яллиғланишолди ва яллиғланишга қарши цитокинлари (ИЛ-4, ИЛ-6, ЎНО- $\alpha$ ) ҳолатига баҳолаш;

атопик дерматитга чалинган беморларда дерматознинг клиник шакли ва оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда IgG субкласлари ҳолатини аниқлаш;

атопик дерматитга чалинган беморларда касалликнинг клиник шаклини ҳисобга олган ҳолда организмнинг эндоген интоксикацияси ва липид спектри ҳолатига баҳолаш;

олинган натижалар асосида атопик дерматитнинг оғирлик даражасини эрта ташҳислаш, патогенетик даволаш ва олдини олиш усуллари такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида назоратда бўлган атопик дерматитнинг турли клиник шакллари билан оғирган 7 ойдан 85 ёшгача бўлган ҳар иккала жинсга мансуб 643 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида периферик қон, қон зардоби иммунологик, молекуляр-генетик ва биокимёвий тадқиқотлар учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, иммунологик, молекуляр-генетик, биокимёвий ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

атолик дерматитнинг ривожланиш механизмида глутатион S-трансфераза (GSTM1 ва GSTT1)нинг аллел турлари роли аниқланган, улар атолик дерматитнинг оғир шакллари ривожланишида юқори хавф маркерлари эканлиги исботланган;

атолик дерматитнинг ривожланиши механизмида ФНО- $\alpha$  яллиғланишолди цитокини генининг полиморф вариантлари ассоциациясининг касалликнинг оғир шакллари юзага келишида прогностик аҳамияти аниқланган;

атолик дерматитга чалинган беморлар қон зардобида IgG субклассларининг юқори концентрацияси аниқланган, IgG дерматознинг кечишида оғирлик даражасини белгилаши исботланган;

ксенобиотиклар ферментлари S-трансфераза (GSTM1 ва GSTT1) генлари ва ФНО- $\alpha$  генининг салбий аллел вариантлари мавжуд беморлар қонида эритроцитларнинг сорбцион хусусиятлари ва ўрта молекуляр пептидлар миқдорининг ошиши аниқланган;

илк бор атолик дерматитга чалинган беморларда ксенобиотиклар ферментлари S-трансфераза (GSTM1 ва GSTT1) генлари ва ФНО- $\alpha$  гени генотиплари полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда тизимли, намловчи, яллиғланишга қарши таъсир этувчи патогенетик асосланган даволаш усули такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қон зардобидаги IgG субкласслари концентрацияси кўрсаткичлари асосида атолик дерматитнинг оғирлик даражасини ташхислашнинг янги иммунологик усули тавсия қилинган;

атолик дерматитга чалинган беморларда ксенобиотиклар ферментлари ва ФНО- $\alpha$  генларининг аллел вариантларини ҳисобга олган ҳолда ИЛ-4, ИЛ-6 интерлейкинлари, ФНО- $\alpha$  ҳолатини аниқлаш усули тавсия қилинган;

ксенобиотиклар ферментлари S-трансфераза (GSTM1 ва GSTT1) генлари ва ФНО- $\alpha$  гени генотипларининг аллел вариантларини ҳисобга олган ҳолда атолик дерматитнинг оғир шакллари ривожланиш хавфини прогнозлаш усули тавсия қилинган;

эндоген интоксикация ва ксенобиотиклар ферментлари S-трансфераза (GSTM1 ва GSTT1) генлари ва ФНО- $\alpha$  гени генотиплари полиморфизми ассоциациясини ҳисобга олган ҳолда атолик дерматитнинг патогенетик терапияси такомиллаштирилган;

беморларга Ўзбекистоннинг табиий кремний сақловчи ресурслари асосида тайёрланган ташқи қўлланиладиган дори воситаларини тайинлашни ҳисобга олган ҳолда атолик дерматитнинг ўткирлашувини олдини олиш усуллари тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти атопик дерматитнинг ривожланиши патогенезида дерматознинг оғир шаклини юзага келиши хавфини башоратлаш имконини берувчи ксенобиотиклар ферментлари S-трансфераза (GSTM1 ва GSTT1) генлари ва ФНО- $\alpha$  гени полиморфизмининг роли аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қон зардобидаги IgG субкласслари концентрациясини ҳисобга олган ҳолда касалликнинг оғирлик даражасини иммунологик ташҳислаш ва маҳаллий воситалар асосида ҳам тизимли (Феррокамед), ҳам ташқи таъсир (Фатидерм креми) этувчи янги патогенетик даволаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Атопик дерматитга ташҳис қўйиш, уни даволаш ва профилактик усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

атопик дерматитнинг оғирлик даражасини иммунологик ташҳислаш усули, касалликни патогенетик даволашнинг янги усулини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган “Атопик дерматитнинг оғирлик даражасини баҳолаш ва даволаш усуллари” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 апрелдаги 8н-д/89-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши атопик дерматитнинг оғирлик даражасини эрта ташҳислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

беморлар терисига намлантирувчи ва тикловчи таъсирга эга “Фатидерм” даво воситасини қўллаш янги маҳаллий даволаш усули асосида ишлаб чиқилган “Атопик дерматитни ташқи даволаш алгоритми” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 8н-р/265-сон маълумотномаси). Терини маҳаллий даволашнинг мазкур усули теридаги патологик жараённинг тезкор ҳал этилиши, субъектив ҳисларнинг камайишини таъминлаш ва ташқи намлантирувчи сифатида касаллик қўзғалишининг олдини олишга хизмат қилган;

атопик дерматитга чалинган беморларни ташҳислаш, даволаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий – амалий тиббиёт маркази клиникаси, Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери, Бухоро вилояти тери-таносил касалликлари диспансери, Республика клиник тери-таносил касалликлари шифохонаси, “Касмед” хусусий клиникаси

клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 8н-з/200-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши тиббий ёрдам сифатини ошириш, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали атопик дерматит билан касалланган беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, амбулатор ҳамда стационар шароитда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 150 бетда компьютер матнида баён қилинган бўлиб, кириш, 7 та боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати, текширувнинг мақсади, объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, унинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган текширув натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ва тадбиқ қилиниши, натижаларни чоп қилиниши ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Атопик дерматитнинг этиопатогенези, ривожланишининг молекуляр-генетик асослари ва уни даволаш тўғрисида замонавий тушунчалар”** деб номланган уч бўлимдан иборат “Атопик дерматитнинг этиологияси, патогенези ва клиник кечиши тўғрисида замонавий тушунчалар” деб номланган биринчи кичик бўлимида дерматознинг эпидемиологияси, этиологияси, ривожланишининг патогенетик аспекти, атопик дерматитнинг клиник кечиши ҳақида мамлакатимиз ва хорижий нашрлардаги сўнгги 5-10 йиллик адабиётлар шарҳи берилган. Адабиётлар шарҳининг “Атопик дерматитнинг молекуляр-генетик ривожланиш асослари” деб номланган иккинчи кичик бўлимида атопия патогенезининг молекуляр-генетик асосларини ўрганиш бўйича адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳининг “Атопик дерматитни замонавий даволаш усуллари” деб номланган учинчи кичик бўлимида атопик дерматитнинг мавжуд ва қўлланилаётган даволаш усуллари келтирилган. Атопик дерматитнинг мавжуд даволаш усулларини афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “Атопик дерматитга ташхис қўйиш, уни даволаш ва профилактик усуллари ишлаб чиқиш тадқиқот материали ва усуллари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ҳамда клиник, иммунологик, молекуляр-генетик, биокимёвий ва статистик текширув усуллари батафсил ёритилган.

Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун атопик дерматит билан оғриган 7 ойдан 85 ёшгача бўлган 643 нафар беморлар комплекс текширувдан ўтказилди. Эркаклар - 299 (46,5%) ва аёллар – 344 (53,5%) нафарни, улардан шаҳар аҳолиси - 414 (64,4%), қишлоқ аҳолиси - 229 (35,6%) нафарни ташкил этди.

Ишда қуйидаги текширув усуллари ўтказилди:

- клиник текширув усуллари – SCORAD (Severity Scoring of Atopic Dermatitis) индекси бўйича атопик дерматитнинг оғирлик даражасини ва СШДИ (симптомлар шкаласининг дерматологик индекси) бўйича атопик дерматит клиник белгиларининг ривожланганлигини аниқлаш;

- молекуляр-генетик – реал вақт режимида полимераза занжир реакциясини қўйиш ёрдамида ўрганилаётган намунада ФНО-альфа, GSTT1, GSTM1 полиморфизмини генотиплаш;

- иммунологик – Арипова Т.У. ҳаммуаллифлар билан (2005) усули бўйича цитокинларни аниқлаш;

- биокимёвий – липидлар спектри ва эндоген интоксикацияни (эритроцитларни сорбцион хусусиятини (Тогайбаев А.А. ва б., 1988) ҳамда ўрта молекуляр пептидлар миқдорини (Габриэлян Н.И. ва б., 1981) аниқлаш.

Текширувда олинган натижалар статистик таҳлил учун дастурли таъминлашни ўз ичига олган Microsoft Office Excel-2010 пакети ёрдамида вариацион статистика усули орқали ўтказилди. Статистиканинг вариацион параметрик ва нопараметрик усуллари қўлланилиб, ўрганилаётган кўрсаткични ўртача арифметик ( $M$ ), ўртача квадрат силжишлар ( $\sigma$ ), ўртача стандарт хато ( $m$ ), нисбий катталикларни (учраши, %) ҳисоблаб ўтказилди. Олинган ўлчовларни ўртача катталикларга солиштирганда статистик аҳамиятини Стьюдент мезони ( $t$ ) бўйича нормал жойлашишини (экссесс мезони бўйича) текширганда эҳтимолий хатони ( $p$ ) ва асосий дисперсия тенглигини ( $F$ –Фишер мезони) ҳисоблаб аниқлаш орқали қўлланилди.

Диссертациянинг “Ўзбекистон ҳудудларида атопик дерматитни тарқалиши ва клиник хусусиятларини ўрганиш” деб номланган учинчи бобида атопик дерматитнинг аниқланиши, беморларда унинг клиник кечиши ўрганилган.

Статистик маълумот натижаларининг кўрсатишича, Ўзбекистон Республикасида АД интенсив кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан 25,2ни ташкил этди. Жинс жиҳатдан АД билан касалланиш эркаклар орасида 49,0%, аёллар орасида эса – 51,0% учради. Республика ҳудудларини ҳисобга олганда, 100 минг аҳолига нисбатан касаллик энг кўп Хоразм – 52,5, Тошкент – 49,7, Навоий – 38,7, Бухоро – 30,2 вилоятларида қайд этилди. Тошкент шаҳрида атопик дерматитнинг интенсив кўрсаткичи – 30,8ни ташкил этди. АДнинг клиник шаклини баҳолаш шуни кўрсатдики, 643

нафар бемор орасида мос равишда касалликнинг экссудатив - 28,8%, эритематоз-сквамоз – 16,9%, лихенификация билан эритематоз-сквамоз – 15,4%, лихеноид – 22,4% ва пруригиноз – 16,5% шакллари энг кўп учради. Республика худудларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагилар аниқланди: АДнинг экссудатив шакли мос равишда энг кўп Тошкент шаҳри (35,1) ва Наманган вилояти – 35,1%, Самарканд – 34,4% ва Бухоро – 32,1% вилоятларида яшовчи беморлар орасида ташҳисланди. Эритематоз-сквамоз шакли мос равишда энг кўп Андижон – 20,5% ва Фарғона – 19,4% вилоятларида учради. Лихенификация билан эритематоз-сквамозная шакли Фарғона - 19,4%, Наманган вилояти ва Тошкент шаҳрида – 17,6% дан қайд этилди. Касалликнинг лихеноид шакли деярли барча ўрганилган худудларда аниқланди, бироқ Ташкент ш. – 23,0%, Наманган – 23,0%, Андижон ва Самарканд - 22,9% вилоятларида, пруригиноз шакли эса мос равишда Хоразм - 22,9% ва Андижон – 21,7% вилоятларида ташҳисланди. 465 беморда ирсий омил аниқланиб, ушбу кўрсаткич 72,3%га тенг бўлди.

SCORAD индекси бўйича оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда беморларнинг аксарият қисмини мос равишда касалликнинг ўрта оғирлик даражаси – 53,6% (643 дан 345), оғир даражаси - 31,3% (201)га эга беморлар ташкил этди, энгил даражали АД эса – 15,1% (97 бемор) ҳолатда ташҳисланди.

Қайд этиш жоизки, касалликнинг клиник шакллари ҳамма вақт ҳам атопик дерматитнинг оғирлик даражасини оқламайди, чунки унинг асосида касаллик ривожланишининг мураккаб иммунгенетик механизми ётади, бу эса ўз навбатида дерматознинг клиник кечишида ўз аксини топади.

Диссертациянинг **“Атопик дерматитнинг ривожланишида ксенобиотиклар биотрасформацияси ферментлари генларининг роли таҳлили”** деб номланган икки бобчадан иборат тўртинчи бобининг “Атопик дерматитга чалинган беморларда GST генининг делецион полиморфизми ассоциацияси таҳлили” деб номланган биринчи бобчасида 126 нафар беморда атопик дерматитнинг ривожланишида ксенобиотиклар биотрасформацияси ферментлари генларининг родини молекуляр-генетик текширув натижалари тақдим этилган.

GST ксенобиотиклар ферментлари генларининг аллел вариантларини молекуляр-генетик текшируви натижалари шуни кўрсатдики, АДга чалинган беморларда аксарият ҳолларда салбий аллел GSTM1 (0/0) - 34,1% ( $\chi^2=0,6$ ;  $P=0,4$ ;  $OR=1,3$ ;  $RR=1,1$ ;  $95\%CI=0,6-2,3$ ) ва GSTT1(0/0) - 37,3% ( $\chi^2=4,1$ ;  $P=0,04$ ;  $OR=1,9$ ;  $RR=1,7$ ;  $95\%CI=1,01-3,58$ ) аниқланди ва назорат гуруҳига нисбатан – 28,7 % ва 23,7%ни ташкил этиб, соғлом назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 1,2 ва 1,6 марта юқори бўлди ( $P<0,05$ ). АДнинг оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ФБК генларининг салбий аллеллари кўпинча касалликнинг энгил даражаси GSTM1(0/0) ва GSTT1 (0/0) – 36,1% ва 44,4 % ( $\chi^2=0,6$ ;  $P=0,4$ ;  $OR=1,4$ ;  $RR=1,3$ ;  $95\%CI=0,60-3,22$ ) ва ( $\chi^2=5,0$ ;  $P=0,02$ ;  $OR=2,6$ ;  $RR=2,1$ ;  $95\%CI=1,1-5,92$ ) ва оғир даражадаги - 42,9% ( $\chi^2=1,9$ ;  $P=0,2$ ;  $OR=1,9$ ;  $RR=1,6$ ;  $95\%CI=0,76-4,53$ ) ва 53,6% ( $\chi^2=8,5$ ;  $P=0,003$ ;  $OR=3,7$ ;  $RR=2,5$ ;  $95\%CI=1,5-9,14$ ) беморларда аниқланди. Ўрта

оғирлик даражасидаги беморларда эса GSTM1(0/0) - 29,0% ( $\chi^2=0,00$ ; P=0,9; OR=1,0; RR=0,9; 95%CI=0,48-2,10) ва GSTT1(0/0) - 25,8% ( $\chi^2=0,07$ ; P=0,7; OR=1,1; RR=0,7; 95%CI=0,51- 2,40)ни ташкил этди.

**Атопик дерматитга чалинган беморлар ва назорат гуруҳларида GSTM1 ва GSTT1 генлари полиморфизми нол генотипларининг тақсимланиши частотаси**

Генетик маркерлар	Асосий гуруҳ		Енгил шакл		Ўрта-оғир шакл		Оғир шакл		Назорат гуруҳи	
	N	%	n	%	n	%	n	%	n	%
GSTM1(+)+GSTT1(+)	48	38,1	11	30,5	33	53,2	4	14,3	41	51,2
GSTM1(0/0)+GSTT1(+)	31	24,6	9	25,0	13	21,0	9	32,1	20	25,0
GSTM1(+)+GSTT1(0/0)	35	27,8	12	33,3	11	17,7	12	42,9	16	20,0
GSTM1(0/0)+GSTT1(0/0)	12	9,5	4	11,1	5	8,1	3	10,7	3	3,7
Всего	126	100	36	100	62	100	28	100	80	100

Изоҳ: n\*- текширилган шахслар ва генотиплар сони

n\*\*- текширилган аллеллар сони

GSTM1(+) + GSTT1(0/0) генларининг гетерозигота генотиплари полиморфизми ассоциациясини ўрганиш натижалари ушбу кўрсаткичнинг соғлом назорат гуруҳидаги 20,0%га қарши юқори даражада аниқланиши – 27,8%ни кўрсатди ва бу соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан 1,4 марта юқори бўлди, GSTM1(0/0) + GSTT1(0/0) салбий генотиплари полиморфизми ассоциацияси эса назорат гуруҳига нисбатан 2,6 марта кўпроқ аниқланди ( $\chi^2=2,4$ ;  $P=0,1$ ;  $OR=2,7$ ;  $RR=2,3$ ;  $95\%CI=0,73-9,89$ ). GSTM1(0/0) + GSTT1(0/0) генетик маркернинг популяцион-генетик тавсифини ўрганиш шуни кўрсатдики, беморлар гуруҳларида кузатилаётган гетерозиготалилик даражаси ( $H_0=0,52$ ) назарий жиҳатдан кутилган кийматдан ( $H_e=0,46$ ) юқори бўлди ва РХВ ( $\chi^2=1,1$ ;  $p=0,1$ ) га нисбатан генотиплар частотасининг статистик аҳамиятли силжиши қайд этилди, бу эса касалликнинг оғирлик даражасини ташхислашнинг башорат мезони ҳисобланади.

“Атопик дерматитнинг ривожланишида TNF- $\alpha$  гени полиморф вариантнинг роли таҳлили” деб номланган иккинчи бўлимида TNF- $\alpha$  гени полиморф вариантнинг атопик дерматитни ривожланишидаги аҳамияти баён этилган.

TNF- $\alpha$  (rs1800629) гени 308G>A гени полиморфизмлари ассоциациясини молекуляр-генетик ўрганиш АДга чалинган беморларда гетерозигота G/A генотиплари 23,0% ҳолатда (соғлом шахсларда – 13,7%) аниқланиб, соғлом шахслар кўрсаткичларидан 1,7 марта юқори эканлигини кўрсатди ( $\chi^2=2,7$ ;  $P=0,1$ ;  $OR=1,9$ ;  $RR=1,7$ ;  $95\%CI=0,87- 4,0$ ).

**Атопик дерматитга чалинган беморлар ва назорат гуруҳларида TNF- $\alpha$  (rs1800629) гени 308G>A полиморфизми генотиплари ва аллелларининг тақсимланиши частотаси**

Гуруҳ	Аллеллар частотаси				Генотипларнинг тақсимланиши частотаси					
	G		A		G/G		G/A		A/A	
	n	%	N	%	n	%	n	%	n	%
Асосий беморлар гуруҳи n= 126* (252**)	221	87,7	31	12,3	96	76,2	29	23,0	1	0,8
Енгил шакли n= 36* (72**)	62	86,1	10	13,8	27	75,0	8	22,2	1	2,7
Ўртағир шакли n=62* (124**)	111	89,5	13	10,8	49	79,0	13	21,0	0	0
Оғир шакли n=28* (56**)	48	85,7	8	14,3	20	71,4	8	28,6	0	0
Назорат гуруҳи n=80* (160**)	149	93,1	11	6,9	69	86,2	11	13,7	-	0

Изоҳ: n\*- текширилган шахслар ва генотиплар сони

n\*\*- текширилган аллеллар сони

Олинган натижалар таҳлили 308G/A гетерозигота генотибида касалликнинг ривожланиш хавфи ошишдан далолат беради ва бу атопик дерматит ривожланиши хавфининг генетик маркери ҳисобланади, G/G генотиби эса протектив функцияни таъминлайди. Олинган маълумотлардан АД ривожланишини башоратлашда ва мазкур касалликни даволашга индивидуал ёндошувни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.


Диссертациянинг “Атопик дерматитга чалинган беморларда IgG субкласслари ва айрим цитокинлар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда оғирлик даражасини баҳолаш” деб номланган икки кичик бўлимдан иборат бешинчи бобининг “Атопик дерматитга чалинган беморларда IgG субкласслари ва умумий иммуноглобулин Ени текшириш” деб аталувчи биринчи бобчасида IgG субклассларини ҳисобга олган ҳолда АДнинг оғирлик даражаси ўрганилган. IgG субклассларини ҳисобга олган ҳолда АДнинг оғирлик даражасини ўрганиш SCORAD индекси ва атопик дерматитнинг клиник шаклига мос равишда амалга оширилди.

АДга чалинган беморлар қон зардобида IgG субклассларини ИФА ўрганиш натижалари кўрсаткичлар даражасининг касаллик муддати ва теридаги патологик жараённинг тарқалишига боғлиқ бўлмаган равишда соғлом назорат гуруҳига нисбатан ошишини кўрсатди, бу организм иммун тизимининг зўриқишдан далолат беради. Бунда IgG1, IgG2, IgG3 ва IgG4 субклассларининг юқори концентрацияси, асосан IgG1 концентрациясининг 2,5 дан 4,9 мг/мл гача ошиши касалликнинг енгил даражасини, IgG1 кўрсаткичларининг 5,0 дан 7,1 мг/мл гача ошиши касалликнинг ўрта даражасини ва IgG1 кўрсаткичларининг

7,1 мг/мл ва ундан ошиши касалликнинг оғир даражасини белгилайди. Олинган натижалар патогенетик даволаш тактикасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.


АДга чалинган беморларда цитокинлар ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатдики, атопик дерматит билан оғриган умумий гуруҳдаги беморлар қон зардобда умумий IgEни ҳаддан зиёд ишлаб чиқарилиши фонида ИЛ-6 ва ФНО- $\alpha$  кўрсаткичларининг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 1,5 ва 6,2 марта ишончли ошиши қайд этилди, ушбу кўрсаткичлар ИЛ-4 ( $r=+0,5$ ) билан тўғри корреляцион алоқада бўлган бўлса, ИЛ-6 яллиғланишолди цитокини тескари, бироқ ФНО-альфа -  $r=-0,44$  билан статистик ишончли корреляцияланди ( $P<0,05$ ). Қайд этиш жоизки, умумий IgE миқдори ИЛ-4 ( $r=+0,5$ ) билан тўғри корреляцион алоқада, ИЛ-6 яллиғланишолди цитокини эса тескари, бироқ ФНО-альфа -  $r=-0,44$  ( $P<0,05$ ) билан статистик ишончли ўрта корреляцияда бўлди, шунингдек, умумий IgE ҳам ФНО-альфа ( $r=-0,4$ ) ( $P<0,05$ ) билан тескари корреляцион алоқада эканлиги аниқланди.

Ксенобиотиклар ферментлари генларининг салбий генотиплари мавжуд беморларда ФБК генлари аллел вариантларининг аниқланишини ҳисобга олган ҳолда цитокин ҳолат функциясининг кучли пасайиши аниқланди, бу ҳолат GSTM1(+) +GSTT1(+) ижобий генотипи кўрсаткичларига нисбатан ИЛ-4 яллиғланишолди цитокини концентрациясининг 4,6 марта сезиларли пасайиши, ИЛ-6 миқдорининг 1,1 марта ошиши билан тавсифланди. Бунда, ФНО-альфа яллиғланишолди цитокинининг миқдори соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан 4,7 марта ва GSTM1(+) +GSTT1(+) ижобий генотипли беморлар кўрсаткичларига нисбатан 1,2 марта юқори бўлди ва ўртача  $24,45 \pm 0,1$  пг/мл ни ташкил этди ( $P < 0,05$ ). Умумий IgE миқдори ксенобиотиклар ферментлари генларининг салбий генотипларига эга беморларда GST ижобий генотипли беморлар кўрсаткичларига нисбатан 2,1 марта сезиларли ошди ( $P < 0,05$ ).



**Расм 1.** ФБК генлари полиморфизми ассоциациясини ҳисобга олган ҳолда умумий иммуноглобулин E кўрсаткичи (МЕ/мл)

ФНО-альфа генининг салбий G/G генотипларига эга беморларда ИЛ-4 яллиғланишолди цитокини миқдори ушбу генининг ижобий G/G генотиплари мавжуд беморларга нисбатан 1,3 марта паст бўлди, ИЛ-6 яллиғланишолди цитокинлари ва ФНО-альфа миқдори ижобий G/G генотипли беморлар кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 1,2 ва 1,05 марта юқори бўлди ва ўртача  $7,2 \pm 0,1$  пг/мл ва  $24,2 \pm 0,14$  пг/мл ни ташкил этди ( $P < 0,05$ ).




**Расм 2.** ФНО-альфа гени полиморфизми ассоциациясини ҳисобга олган ҳолда умумий иммуноглобулин Е кўрсаткичи (МЕ/мл)

Яллиғланишолди цитокини ФНО-альфа генининг ҳам ижобий, ҳам салбий генотиплари билан беморларда умумий IgE миқдори кескин ошди, бу атопик дерматитни шаклланишида мазкур геннинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Диссертациянинг “Атопик дерматитга чалинган беморларда эндоген интоксикация ва липид спектрини клиник-биокимёвий тавсифи” деб номланган олтинчи бобида атопик дерматит билан оғриган беморлар қонида эндоген интоксикация ва липид спектри ҳолати ўрганилди.

Биокимёвий текширув натижалари АДга чалинган беморларда дерматознинг оғирлик даражасига мос равишда эритроцитларнинг сорбцион кўрсаткичлари ва ўрта молекуляр пептидлар миқдорининг ошиши билан ифодаланувчи организмнинг эндоген интоксикацияси ривожланишини кўрсатди. Бунда АДга чалинган беморлар қон зарбида ЭСХ ва ЎМП миқдорлари назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 1,3 ва 1,6 марта ишончли ошди ва тўғри корреляцион алоқада бўлди –  $r=+0,57$ . Дерматознинг оғирлик даражасини ошиши билан ЭСХ ва ЎМП кўрсаткичлари мос равишда 1,2 ва 1,4 марта ошди ва умумий IgE билан статистик ишончли корреляцион алоқада бўлди ( $P<0,05$ ).

ФБК ва ФНО-альфа генлари генотиплари полиморфизми ассоциациясини ҳисобга олган ҳолда GSTM1(+) +GSTT1(+) функционал генотиплар ва ФНО-альфа гени G/G генотиплари билан АДга чалинган беморлар қон зарбида ЭСХ ва ЎМП миқдорлари 1,3 марта ошди, GSTM1(0/0) + GSTT1(0/0) нофункционал генотиплар полиморфизми ассоциациясида эса – 1,5 марта ва ФНО-альфа гени G/A генотиплари ошди, бу эндоген интоксикациянинг оғир даражасини ривожланишидан далолат беради.



**Расм 3.** ФНО-альфа гени полиморфизми ассоциациясини ҳисобга олган ҳолда эндогенной интоксикация кўрсаткичи (% , ЕЭ).

Жигарнинг липид спектри ҳолатини ўрганиш АДга чалинган беморларда дислипидемия ривожланишини кўрсатди, бу юкори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП)нинг кўп миқдорда ишланиши фонида холестерин ва триглицеридлар умумий миқдорининг 1,8 марта ҳамда ўта паст зичликдаги липопротеидлар (ЎПЗЛП) концентрациясининг 1,5 марта пасайиши билан тавсифланиб, яллиғланишолди цитокини ИЛ6 -  $r=+0,59$  ва ФНО-альфа -  $r=+0,4$  ( $P<0,05$ ) билан тўғри корреляцион алоқада бўлган яллиғланишнинг ўткир фазаси оксилларининг жигарда ҳосил бўлишини кучайишини таъминлайди. АДга чалинган беморларни функционал текширувларида гепатобилиар тизимда ўт пуфагининг турли ҳаракат бузилишлари (Одди сфинктери, ўт пуфагининг гипертонусли дискинезияси) кўринишидаги патологиялар аниқланди ва бу адабиётлардан олинган маълумотлар билан мос келади.

Қайд этиш жоизки, адабиётлар маълумотларига кўра, жигар функциясининг бузилиши кўп миқдорда цитокинлар ва биологик фаол моддаларнинг ажралиши билан эндотелийнинг кенг жароҳатланиши орқали мезенхимал шишнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, бу эса липидларнинг перекисли оксидланиши, митохондриял цитопатия, гепатоцеллюляр апоптоз жараёнларини рағбатлантиради [Беляева Л.М., 2006]. Мазкур ҳолат хужайралараро зич бирикишларнинг ўтказувчанлигини ошишига олиб келади ва ўт суюқлигининг тескари синусоидларга томон қайта оқишини таъминлайди. Ўт суюқлиги таркибига кирувчи моддалар (ўт кислотаси, холестерин, билирубин) концентрациясининг ошиши натижасида эса турли интенсивликдаги тери кичималари кўпаяди ва бу АДнинг кечишини ёмонлаштиради. Шунинг учун, дерматознинг оғир шакллари ривожланишини олдини олиш мақсадида АДда гепатопротекторларни қўлланилиши мазкур касалликни комплекс даволашнинг таркибий қисмларидан бири бўлиши лозим.

